


Ҳозирда республикамизнинг турли соҳаларида интеллектуал технология тизимлари кенг қўлланилиб, “ақлли шаҳар” концепциясида мавжуд транспорт тизими тузилмасини модернизация қилиш ҳамда янги тузилмани яратишга катта эътибор берилмоқда. Шу билан бирга, унга боғлиқ бўлган интеллектуал ахборот-коммуникация тизимини яратиш масаласи ҳам юзага келяпти. Лекин, мамлакатимизда ушбу йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилмаган.



Бу олий таълим тизимида магистратура мутахассисликлари ҳамда ўқув дастурларининг йўқлиги, бор бўлса ҳам жаҳон талабларига мос эмаслиги билан изоҳланади.

Транспорт тизимларининг ҳозирги ҳолатини, келгуси ривожланиши ҳамда республикамиз хусусиятларини ҳисобга оладиган фанлар дастурларини ишлаб чиқмасдан ва қўлламадан туриб, қўйилган масалаларни ҳал этиш мум-

ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАМ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ АКТ МУТАХАССИСЛАРИ ТАЙЁРЛАНАДИ

кониатлари ўрганилди.

Лойиҳа доирасида Гданск технология университетида талабалар учун бир ҳафталик семинар ташкил қилиниши режалаштирилди. Ҳозирги кунда танлов асосида номзод талабалар танлаб олинди.

Яқинда Европа мамлакатларидаги мавжуд интеллектуал транспорт тизимларини ўрганиш ҳамда эри-

шилган ютуқлар билан яқиндан танишиш мақсадида Гданск технология университетида лойиҳа иштирокчиларининг кенгайтирилган семинари ташкил этилди. Унда ташкил этиладиган янги магистратура мутахассисликларининг ўқув режалари, фан дастурлари мазмуни, ўқув лаборатория таркиби, шунингдек, чет эл олий таълим муассасаси билан ҳамкорликда мутахассислар тайёрлаш ҳамда талабаларнинг алмашуви бўйича дастлабки келишувларни амалга ошириш масалалари муҳокама этилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Семинар доирасида қатнашчилар Гдиня шаҳридаги шаҳар транспорт оқимини интеллектуал бошқарув тизими фаолияти билан ҳам яқиндан танишдилар.

Шубҳасиз, белгиланган масалаларнинг ҳал этилиши республикамизда “ақлли шаҳар” концепциясининг асосини ташкил этувчи интеллектуал транспорт тизимини яратиш ва жорий этиш бўйича замонавий талабларга жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлаш имконини беради.

Маматкарим САПАЕВ,
ТАТУ доценти

Семинарда ташкил этиладиган янги магистратура мутахассисликларининг ўқув режалари, фан дастурлари мазмуни, ўқув лаборатория таркиби, шунингдек, чет эл олий таълим муассасаси билан ҳамкорликда мутахассислар тайёрлаш ҳамда талабаларнинг алмашуви бўйича дастлабки келишувларни амалга ошириш масалалари муҳокама этилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.



кин эмас. ERASMUS+ дастурининг 586292-EPP-1-2017-1-PL-EPPKA2-CBHE-JP “Intelligent Transport Systems: New ICT based Master’s Curricula in Uzbekistan” (“Интеллектуал транспорт тизимлари: АКТга асосланган Ўзбекистон учун янги магистратура дастури”) лойиҳаси айнан шу масалаларни ечишга йўналтирилган. Полша, Австрия, Словениянинг нуфузли олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ушбу лойиҳа Ўзбекистондан олти олий таълим муассасаси ва тўртта ноакадемик корхона ва ташкилотлар иштирок этмоқда (Лойиҳа координаторлари: Гданск (Полша) технология университети, Ўзбекистондан эса Тошкент ахборот технологиялари университети).

Лойиҳанинг асосий вазифалари интеллектуал транспорт тизими (ИТТ) бўйича янги магистратура дастурини ишлаб чиқиш; Ўзбекистон университетларининг ИТТ бўйича потенциалини ошириш; олти университетда АКТ базасида ИТТ лабораторияларини яратиш; университетлар ҳамда тегишли ташкилотлар ва корхоналар ўрта-

сида алоқалар ўрнатишдан иборат. Асосий мақсади эса ИТТ йўналишида янги авлод мутахассисларини тайёрлаш учун инфратузилма ва тизим яратишдан иборат бўлиб, Ўзбекистонда давлат бошқаруви органлари, sanoat ва хусусий истеъмолнинг маҳаллий ва минтақавий транспорт муаммоларини ечишга лаёқатли мутахассисларни етказиб беришга йўналтирилган.

Лойиҳанинг бошланғич семинари Тошкент ахборот технологиядан олти олий таълим муассасалари бўлиб ўтди. Семинар доирасида лойиҳа қатнашчилари ҳақида маълумотлар алмашди, хориж университетлари тажрибалари ўрганилиб, ушбу соҳада Ўзбекистондаги ҳолат юзасидан лойиҳа координаторлари ва лойиҳани бажарувчи олий таълим муассасалари вакиллари маълумот бердилар. Лойиҳа мақсадига эришиш учун вазифалар белгилаб олинди, уларнинг бажариш муддатлари, қўйиладиган талаблар юзасидан гуруҳларга бўлинган ҳолда музокаралар ўтказилди.

Лойиҳа сифатини ошириш ўқув дастурларини ўрганиш мақсадида Полша ва Австрия-

даги ҳамкор университетлар мутахассислари ТАТУдан ташқари Тошкент автомобил йўлларини лойиҳалаш, куриш ва эксплуатацияси институти ва Тошкент темир йўл муҳандислари институтига ташриф буюришди. Ташриф давомида меҳмонлар университетларнинг лабораториялари билан таништирилди, профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар билан семинарлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилди.

Семинарларда лойиҳанинг ижроси муҳокама қилинди. Европалик мутахассислар бакалаврият ва магистратура ўқув дастурларини, силлабуслар (талабалар учун курснинг қисқача маълумоти, кредит тизимидаги ўқув режа)ни, амалга оширилаётган илмий лойиҳалар, магистрлик ва докторлик диссертациялари мавзуларини ўрганиб чиқишди.

Европалик ҳамкорлар лойиҳани ривожлантириш, янада такомиллаштириш, уни ўз вақтида бажариш учун республикамиз томонидан қатнашувчи университетлар фикрини эшитиб, хулосалар чиқаришди. Университетлар талабалари билан учрашувларда мавжуд ўқув им-